

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Наврўз — 2016

Ислом Каримов ташаббуси ва жасорати билан ҳали мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган даврда Наврўз байрами қайта тикланди. Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармонида мувофиқ Наврўз умумхалқ байрами, 21 март дам олиш куни, деб эълон қилинди. Утган йилларда Наврўз мазмунан янада бойиди, халқимизнинг қадим маданияти, эзгу фазилатлари тимсолига айланди.

НАВРЎЗ ИФОРИ БОҚИЙДИР

Марказий Осиё халқлари қадимда янги йилни Наврўзда нишонлаган. Бу чуқур илмий асосга эга: кўёш ҳамал буржиги қиради, кун ва тун тенглашади, ҳаво илгийди, дарахтлар гуллаш бошлади, ердан буғ кўтарилиб, экишга тайёр бўлади, қир-адирлар кўм-кўк либосга бурканади.

Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий каби алломалар асарларида Наврўз ҳақида муҳим илмий маълумотлар келтирилган. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу байрамнинг ой бўйи давом этишини маълум қилган.

Наврўз тарихини ўрганиш бу байрамнинг Шарқда хунармандлик соҳасидаги бир қатор кашфиётлар натижасида пайдо бўлганини тасдиқлайди. Алишер Навоий «Тарихи мулуки аҷам» рисолисида бу ҳақда қўп-қўп қимматли маълумот келтирган.

Баҳор айёмининг инсон руҳий оламида кўтаринки кайфият уйғотиши, тана аъзоларида тетиклик пайдо қилиши, шубҳасиз, адабиёт аҳли эътиборидан четда қолмаган. Баҳор халқ қалбида келажакка умид, турмушдан баҳраманд бўлиш кайфиятини уйғотган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида келтирилган қуйидаги мисраларда аждодларимиз табиятни нақадар теран ҳис этгани ва уни гўзал ифодалаганини кўриш мумкин:

*Ягмур ёғиб сачилди,
Турлук чечак сучилди,
Инжу қоби ошиди,
Чиндан шипор югуришур.*

Қадимий она тилимиздаги бу жумлалар маъносини англаш қийин эмас. Ёмғир ёғиб, ҳар тараф сочилиши, инжу қоби — дулар ҳазина-

си очилгани каби турли чечаклар уйғонгани, уларнинг йиפורи — ифори кезаётгани айтилмоқда.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонининг дастлабки саҳифаларида гулзорда булбул минг овоз билан сайраши, дарахтлар яшил кийгани, қизил, сариқ, кўк гулларнинг очилганини моҳир мусаввирдек чизиб қўйган:

*Қурмиш йиғочлар
тананди йашил,
Безанди йапун ал,
сариг, кўк, қизил.*

Мумтоз адабиётимиз тарихида ғазалларнинг дастлабки намуналари ҳам айнан баҳор мадҳи билан бошланган. Носируддин Бурхонуддин Рабғузӣ «Қисаси Рабғузӣ» номли дидактик асарига назм чечаклари билан безак берар экан, «Баҳорийёт» сарлавҳали ғазал биттади. Унда шундай байтлар бор:

*Кун ҳамалга кирди эрса
келди олам наврўзи
Кечди баҳман замҳарир
қши қолмади қори бузи.*

*Кун келу минг кўрки ортиб
тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бодизлаб нақши
бирла безанур бу ер юзи.*

*Тол йиғочлар минбаринда
тўли қуш мажлис тутар,
Қумри булбул муқри бўлиб
ун тузар тун-кундузи.*

Эътибор берсак, юқоридаги мисолларда баҳор фаслининг табиятда мўъжиза яратиши, атрофга байрам безаклари билан файз бағишлаши маъно жиҳатдан бир-бирига яқин. Бадий адабиётимиздаги бу анъана ижодкорлар учун доимий мавзуга айланган.

»(4).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

«Камолот» уйлари — ёш оилаларга

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бунёд этилган «Камолот» уйлари ёш оилаларга топширилди.



Фойдаланишга топширилган уй эгаларининг қувончи чексиз.

— *Замонавий, барча шароитга эга «Камолот» уйларидаги хонадонлардан бирининг соҳиби бўлишимиз оиламиз учун катта совға бўлди, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти катта ўқитувчиси Фуломжон Пирназаров. — Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бундай эътибор ва ғамхўрлигидан миннатдоримиз. Бунга жавобан мамлакатимиз тараққиёти ва равнақига катта ҳисса қўйиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.*

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 31 март куни Тошкент шаҳрида қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, шу жумладан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (янги таҳрири), айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар, мамлакатнинг айрим идоралари ва муассасалари ҳисоботлари, шунингдек, Сенатнинг прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи комиссияси таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига қарадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Касаба уюшмалари — хотин-қизларга



Аёл борки, олам мунаввар

Халқаро хотин-қизлар куни барча меҳнат жамоаларида кенг нишонланди. Бунда касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этди.

Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда «Аёли қадрланган дийёр», «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёл — оила қўрғони ва чароғбони» каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Худудий бирлашмаларнинг Хотин-қизлар комиссиялари томонидан «Хотин-қизлар: жамият, оила ва меҳнат» мавзусида семинарлар ташкил қилинди.

Ушбу тадбирларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг тарғиб этилди. Ватанимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, оилани мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшаётган илғор хотин-қизларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий аёлларни шарафлашга эътибор қаратилди.

»(2).

Соғлом оила — соғлом жамият

Спорт ва саломатлик байрами



Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг учинчи — вилоят босқичи якунига етиб бормоқда.

Ходимлар ва улар оила аъзоларининг спортга бўлган қизиқишини орттириш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган мусобақаларда ота-она ҳамда 8-12 ёшли фарзанддан иборат жамоалар югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, арқон тортиш, чаққонлик ва мерганлик, тезлик, эпчиллик эстафеталари, «Моҳир ҳужумчи», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боқлаймиз» номли шартлар асосида ўз им-

кониятларини синовдан ўтказмоқдалар.

Маъмур мусобақаларнинг кўйи босқичлари пойтахтимизда ҳам уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ташкил этилди. Шаҳар босқичига Тошкент молия институти тасарруфидаги «Олий ўқув юртларида спорт мажмуаси» мезбонлик қилди. Спорт тадбирида 22 оилавий жамоа таркибида етмишга яқин ҳаваскор спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

»(4).



Тараққиёт одимлари

>> 2



Келажакнинг ҳал қилувчи кучи

>> 3



Маҳорат намоиши

>> 4

ЁШЛАР — КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Келажакнинг ҳал қилувчи кучи



Мамлакатимизда юксак маънавиятли, эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодди воъжа етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишда касба уюшмалари ёшлар кенгашларининг саъй-ҳаракати ҳам тобора самаралироқ бўлиб бормоқда. Айниқса, бу ёшларнинг ўқиш, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини ўстиришга қаратилган устувор йўналишларда ўзини намойиш қилаётир.

Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритилган «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» бўлими янада бойитилиб, бажарилиши доимий назоратга олинган. Ишга қабул қилинган битирувчилар билан имтиёзлар инobatга олинган ҳолда меҳнат шартномалари тўзимокда. Албатта, ёшларнинг етуқ инсон бўлиб камол топиши, иқтидорининг рўёба чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратилиши, бандлиги таъминлиниши муҳим ҳисобланади.



Комбинат ёшлари ўтказилган барча тадбирларда фаол қатнашиб, ўз фикрларини мустақил баён қилишади. Цех ва бўлимларда касба уюшма кўмитаси раислари томонидан ёшлар учун «Ойиқ ошиқлар куни» ташкил қилинган. Унда долзарб масалалар бўйича тушган саволлар, иш жараёнидаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган талаб ва таклифлар ўрганилиб, бажарилиши назоратга олинади.

Юксак марраларни кўзлаб

Жамоанинг қарийб учдан бирини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар кенгаши ташаббуси билан комбинат кубоги учун «Куноқлар ва зукколар» ўйини ташкил қилинган. Турли мавзуларда семинар ва давра суҳбатлари, «Касб маҳорати» ўқиқ-танлов мунтазам равишда ташкил этилади. Касба уюшма кенгашининг тегишли қарорига асосан голиб бўлган ёш ходимлар рағбатлантирилади. Спортнинг бир қатор турлари бўйича ёшлар ўртасида ташкил этилган мусобақаларга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Кези келганда, цех ва бўлимларда спорт йўриқчилари фаолият олиб бораётганини ҳам таъкидлашим лозим. Соғломлаштириш гуруҳига аъзо бўлган ёшлар «Металлург» спорт клубида сузиш, оғир ва енгил атлетика, стол теннис, шахмат, шашка, теннис, футбол, волейбол, баскетбол каби спорт турлари билан беғул шугуллантирилмоқда. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишимизда раҳбарият ва касба уюшма кўмитаси ҳар тарафлама кўмакдош бўлаётди. Янги таклифларимизни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, йил қуйган камчиликларимизни бартараф қилишда ҳам ёрдамларини ашмаёпти. Бундан руҳланмай бўларканми?! Юксак марраларни кўзлаб, янада шижоат билан олға интилишни ният қилганмиз.

Улугбек ҚАҲҚОРОВ, Олмалик кон-металлургия комбинати ходимлари касба уюшмаси Ёшлар кенгаши раиси

Касбада меҳрли, ишда шижоатли

Битирувчи ёшларнинг меҳнатга оид масалалар, ҳуқуқий билимлар билан таништирилиши ўзининг самарасини бераётир. Утган йили Федерация Кенгаши томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ишга жойлаштиришда имтиёзлар ва меҳнат кафолатлари тўғрисидаги қўлланма ишлаб чиқилиб, вилоятдаги 46 та коллежда ташкил этилган ўқув-семинарларда ўқувчиларга таништирилди.

Бундан ташқари, касб-хунар коллежларининг битирувчилари, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назоратда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш

амалиётини ўташлари учун корхона ва ташкилотларга аниқ бириктириш ҳамда ишга жойлаштиришда бош-қош бўлиш учун коллежларда ўқув-семинарлар ўтказиш бўйича

режа-жадвал ва намунавий Дастур тасдиқланиб, жойларга етказилди. Унга биноан, ўқув-семинарларда маърузалар билан иштирок этиш учун тегишли бошқарма, банклар вакиллари вилоятдаги касб-хунар коллежларига бириктирилди. Касба уюшмалари масъул ходимлари «Меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик, ёшлар меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари», «Жа-

моа шартномалари ва улар орқали белгилаб қўйиладиган ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари» мавзуларида маърузалар қилинди.

Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқи билан таништирилиши, иш бошлаши учун таянч бўлган билим ва имтиёзлар берилиши пухта тизим асосида олиб борилаётир. Қўрсатилаётган гамхўрликлар уларда касб-корга бўлган меҳрни янада оширмоқда. Бу эса, мамлакатимиз учун керакли мутахассисларни етиштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Босим МАЛТАЕВ, Сирдарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши аъзоси

Ёшликнинг ўзига хос жўшқин жиҳатлари кўп. Ҳар жабҳада, ҳаётга катта умид билан боқадиган авлод изланишлари, интилишга дуч келамиз. Бу ҳислат касба уюшмалари сафида бўлган ёшлар фаолиятида, айниқса, яқол намойиш бўлмоқда.

Ҳамиша илғор

Кенгашимиз қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлод онгушурига Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат ҳамда инсонпарварлик руҳини сингдиришга қаратилган анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб келмоқда. Тўрт ярим мингдан ортиқ ёшни қамраб олган «Ватан оstonадан бошланади», «Узлгингни унутма», «Миллий урф-одатларимизни йўқотмайлик» мавзуларидаги суҳбат ва урашувлар уюштирилди.

Жойларда ўтказилаётган «Маънавий соатлари»нинг ҳам фаол иштирокчилари ёшлардир. Ёш ходимларнинг касба уюшмалари томонидан ўтказиб келинаётган танловлардаги иштироки таъминланиб, билим ва иқтидор эгалари жамоат ташкилоти томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг жисмоний чиникиши, спортнинг бирор тури билан шугулланиши учун имконият етарли. Бирлашма Ёшлар кенгаши томонидан «Спорт — саломатлик гарови» шiori остида стол теннис, волейбол, шахмат, шашка ва бадминтон мусобақалари уюштирилди. Ҳамкор ташкилотлар билан келишган ҳолда «Футболдими келажакми», «Маҳаллаимиз пахтачилари» ҳамда имконияти чекланган спортчилар ўртасида сузиш бўйича мусобақалар ташкиллатирилди. Бундан ташқари, «Ходимлар гимнастикаси» соғломлаштириш машқларида ҳам ёшлар фаол қатнашмоқда.

Туризм дунёқарашини кенгайтиради. Утган йилда Самарқандга 7554 нафар, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шахрисабз шаҳарларига 6698 нафар ёшнинг саҳрати уюштирилди.

Яқинда «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида Ёшлар кенгашлари раисларининг анжумани ташкил этилди. Унда ҳамкасблар билан фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш хусусида кенгашири олинди. Бундан ташқари, «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танловини юқори даражада ўтказишни режалаштириб турибмиз. Касба уюшмалари томонидан ўтказиб келинаётган турли ақциялар, тадбирлар, мусобақалар ёшларда фаолият қўйишларини тарбиялаш билан бир қаторда, жамоат ташкилоти тадбирларига бўлган қизиқишини ҳам оширмоқда.

Низом АБДУВОҲИДОВ, Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси

Қонуний манфаатлар — ҳимояда

Берилаётган эътибор, яратилаётган қулайликлар натижасида вилоятимизда қўллаб қорхоналарга тамал тоши қўйилмоқда. Муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хорижда ҳам ўз харидорини топаётир. Бу эса хорижга тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш баҳорида ёшларни кафолатланган иш ўрни билан таъминлашга хизмат қилмоқда. «JZZAX-PLASTEKS» қўшма корхонасининг фаолият бошлаши 800 нафар ёшни доимий иш ўрни билан таъминлади.



Корхона йилига 12 минг тонна пахта-толласини қайта ишлаш қувватига эга. Янги қувватлар эса босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Ҳозир навбатдаги босқич тадбирлари амалга оширилаётир. Натижада, йилига тўрт минг тонна трикотаж матосини бўйлаб, олти миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш имкони юзга келади.

Эътиборлиси, асосан ёшлардан иборат қорхона жамоаси касба уюшма хизмати-га олинган бўлиб, ходимлар белгиланган

тартибда имтиёз ва қулайликлардан баҳраманд бўлишарди. Иш уч сменада ташкил этилган ва ходимлар манзилларига автобусда элтиб қўйилади. Кечки ва тунги сменада ишловчилар беғул иссиқ овқат билан таъминланапти. Сут, қатик, тушлик ҳам беғул. Ходимларга махсус кийим-бош берилади.

Касба уюшмалари бугун одамларнинг энг яқин маслақдоши сифатида тобора обрў-эътиборга эга бўлиб бораётир.

Қолаверса, касба уюшмалари фаолияти самараси айнан бошланғич ташкилотларга боғлиқлигини англаб етдим.

Маҳфуза СУЛАЙМОНОВА, қорхона касба уюшма кўмитаси Ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси

Масъулият янада ошди

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда касба уюшмалари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Бирлашма кенгаши томонидан битирувчиларнинг меҳнат соҳасига оид ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича коллежларда ўқув-семинарлар ташкил этилиб, тегишли мутахассислар «Ёшлар ва меҳнат қонунчилиги», «Ёшларнинг бандлигини таъминлашда ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг ўрни» мавзуларида маърузалар ўқишди.

Коллеж битирувчиларини доимий иш ўрни билан таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимининг киритилгани аини мудоао бўлди.

Эътижманд оилаларга қорхоналар ҳисобидан моддий ёрдам қўрсатилаётир. Утган йили

7 та қорхонада олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 38 нафар талаба шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди.

«Касба уюшмалари — талабаларга» шiori остида ўтказилган ақцияда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган 22 нафар иқтидорли ўғил-қизга 15 млн. сўмдан ортиқ касба уюшма стипендиялари берилди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш касба уюшмалари фаолиятининг жорий йилдаги устувор йўналишларидан биридир. Бу Ёшлар кенгаши фаоллари олдида қўйилган масъулият ва вазифаларни яна бир поғона оширади.

Сайтхон ЖУМАОЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши котиби

Эртамик эгаларига эътибор

Миришкор туманидаги «Жейнов пахта тозалаш» АЖ ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимларини ошириш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Бобомурод Ҳўжаёров яратилаётган шароитлар ҳамда берилган имтиёзлар борасида сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

«Меҳнат кодексининг 84-моддасига ўзгартиш киритилиб, у қуйидаги мазмунда тахир этилди: «Ҳомилалар аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, қорхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртлирининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кириватган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача мудоатта меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки

синов белгиланмайди», дейилган. Албатта, ушбу ўзгартиш амалда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий ўқув юртлирининг тегишли таълим муассасаларини тамомлаган битирувчи ёшларга кенг имконият яратди.

Меҳнат кодексига киритилган янги 247-модда «Таълим муассасаларининг битирувчилари учун қўшимча кафолатлар» деб номланди. Унга кўра, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек, давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртлирининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик мудоат ўтугунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳ-

нат органини хабардор қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Маъмур қоида таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласини тартибга солишда жуда кўл келади. Маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиш, энг аввало, битирувчи ёшларни иш берувчилар томонидан сунъий ва асосиз равишда ишдан бўшатилиш ҳолатларининг олдини ола, иккинчидан, ишсиз қолган битирувчи ёшлар рўйхатини шакллантириш, мониторинг олиб бориш ва уларни тезда бошқа муносиб иш билан таъминлаш чораларини кўришга кўмаклашди.

Ушбу мавзудаги давра суҳбатлари тумандаги 8-, 9-, 12-умумтаълим мактаблари, Миришкор иқтисодий касб-хунар коллежи, «Агротехсервис» МЧЖ каби ташкилот ва муассасаларда ўтказилди.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касба уюшмалари томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро юридик ва маънавий хизмат касб-хунар коллежининг тадбиркорлик иштиёқида бўлган битирувчи талабалари билан «Ўз бизнесингни бошла!» мавзуида ўтказилган семинар-тренинг ҳам ана шу эътиборнинг яна бир кўриниши бўлди.

«Ўз бизнесингни бошла!»

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан эканлигини таъкидлашди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан олдин яхши гоё танлаш, уни амалда татбиқ этиш имкониятларини таҳлил этиш, бизнес режа тузиш, қорхона стратегияларини белгилаш, рақобатчиларни тўғри баҳолаш ва маҳсулотни ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган жараёнлар тўғрисида жўяли маслаҳатлар беришди.

Касба уюшмалари томонидан мустақилликнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратишга киришилган, бу имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Семинарда битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

А.РАЖАБОВ, Бухоро юридик ва маънавий хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси

